

### Адабиётлар

1. Peng Ch.F. Children learning through play: perspectives and practices of early childhood educators in Singapore preschools serving children aged four to six years// <https://lra.le.ac.uk/bitstream/2381/10119/1/2011chenfpedd.pdf>
2. <https://www.ecda.gov.sg>
3. Оманова Г.А. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Пед.фан.фалсафа доктори (PhD) илм. даражаси учун ёзилган дисс. – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти, 2021. 124-б.
4. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. –Тошкент: 2018.
5. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. -Тошкент: “Voriz-Nashriyot”, 2012. 167-б.

### РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим сифатини баҳолаш ва бошқариш йўналишларида бир қатор хориж ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган ҳамда муаммонинг амалиётдаги ҳолати, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлаш ва бошқариш масалаларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

### РЕЗЮМЕ

В статье анализируются исследовательские работы ряда зарубежных и отечественных исследователей в области оценки качества и управления дошкольным образованием и исследования качества образования в негосударственных дошкольных учреждениях на основе государственно-частного партнерства.

### SUMMARY

The article analyzes the research work of a number of foreign and local researchers in the field of quality assessment and management of preschool education and the study of the current state of the problem, quality assurance and management of education in public-private partnerships on the basis of legal documents.

## МУАММОЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАНКИДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Т.К.Кудайбергенова** – педагогика фанлари номзоди, доцент

**И.Н.Ибодуллаева** – докторант

**П.Калжанов** – катта ўқитувчи

*Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** танкидий тафаккур, муаммоли ўқитиш, назарий таҳлил, анкета, суҳбат, интервью, “синовлар ва хатолар методи”, “синектика” методлари, “тасодифий ассоциациялар”.

**Ключевые слова:** критическое мышление, проблемное обучение, теоретический анализ, анкета, интервью, «метод проверки и ошибок», «методы синектики», «случайные ассоциации».

**Key words:** critical thinking, problem based teaching, theoretical analysis, questionnaire, conversation, interview, the method of testing and mistakes, methods of synectics, random associations.

Сўнгги йилларда илм-фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ ҳолда малакали мутахассисларга бўлган талаб кескин равишда ошди. Бугунги кунда мутахассиснинг касбий компетентлик сифатлари қаторида ижодий, креатив ва танкидий тафаккурга эга бўлиши унинг малакавийлик даражасини белгилаш аънаси шаклланимочди. Мутахассиснинг касбий лаёқати, компетенциясини белгилашда педагогик жиҳатдан ижодий тафаккур, касбий масалаларга ижодий ечим топишни, креатив тафаккур эса касбий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида илғор, замонавий ёндашувларга таяниб иш кўришни ифодаласа, танкидий тафаккур эса пухта асосланган ва қатъий қарорга келиш мақсадида вазиятни турли позицияларда баҳолаш ва таҳлил қилишни англатади. Танкидий тафаккур ҳар қандай фикрга нисбатан ностандарт ёндашишга ёрдам берадиган тафаккур тури бўлиб, доимий равишда ўзгариб турадиган ахборот оқими ўзгартиришни таъминлайди. Тафаккурнинг бу тури шахсга ахборотларни қайта ишлаш, тизимлаштириш, ўз фикрини тез ва аниқ ифодалаш, шунингдек, мустақил таълим олиш ҳамда бошқа шахслар билан амалий жиҳатдан ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантириш имкониятини яратади.

Демак, танкидий тафаккур вазиятга бир ёқлама баҳо беришдан четланган ҳолда уни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижобий ҳамда салбий таъсирларини кўра олиш, ижобий таъсирлардан самарали фойдаланиш, салбий омилларни эса бартараф этиш асосида қарорни пухта асослаш ва унинг қатъи (тўғри, оқилона) бўлишига эришиш демакдир.

Танкидий тафаккурга эга бўлиши ўзида шахснинг муқобилларни яратиш ва тадқиқ қилиш, нуктаи назарни белгилаш ва текширишга лаёқати; муаммонинг қўйилишини тушунишда қатъи қарорга келиш ва унинг ечимини тезкор топа билиш малакаси; пухта ўйланган ва мустақил қарорларни қабул қилиш қобилияти; пухта ўйланган ва аниқ саволларни бера олиш лаёқати каби

сифатларга эгаллигидан далолат беради.

Ҳақиқат курашлар авж олган мавжуд вазиятда шахснинг танкидий тафаккурга эга бўлиши яна бир жиҳатдан аҳамиятлидир. Бундай тафаккурга эга шахс электрон ва босма ахборот воситалари томонидан узатилаётган (тарқатилаётган) ҳар қандай ахборотни тўғридан тўғри қабул қилмайди. Аксинча, уни таҳлилий равишда ўрганади. Яъни, ахборотда илғори сурилган асосий ғоянинг моҳиятини, унинг қандай субъектларга йўналтирилганлигини, ахборотнинг ижтимоий аҳамияти – шахсни ёки жамиятни ривожлантиришга таъсирини, воқеа ҳамда ҳодисалар ривожига ижобий ёки салбий таъсирини таҳлил қилади. Ўз моҳиятига кўра шахс томонини ташкил этадиган ахборот мазмунини ўрганишга қаратилган ҳаракат босқичли жараён саналади.

Мамлакатда фуқаролик жамияти стратегик мақсад сифатида эълон қилиниши натижасида янги долзарб вазифалар пайдо бўлди. Фуқаролик жамиятини қуришда мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, мамлакатимиз тарихида шаклланган фуқаролик жамиятининг миллий унсурларини демократлаштириш ва уларни хорижий тажриба билан уйғунлаштириш давр талаби ҳисобланади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги ошиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантиришга йўналтириш учун замон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятига доир назарий ва амалий билимларни келгусида шу жамиятни қуришнинг фаол иштирокчилари ҳисобланувчи талабалар онгига сингдириш мамлакат келажаги ва истиқболини белгилувчи муҳим омил ҳисобланади. Натижада “Фуқаролик жамияти” фанини дарс сифатида ОТМ ларда ўқитиш муҳим заруриятга айланди. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги даврда давлат ва

жамиятда долзарб ислохотлар амалга оширилаётган бир даврда ёшларнинг бу жараёнда фаол иштирок этишлари ва ўз дунёқарашларини фуқаролик жамияти куришга доир назариялар билан бойитишлари учун шар-шароитлар яратиш таълим соҳасидаги, айниқса, олий таълимдаги энг долзарб вазифалардан биридир.

“Фуқаролик жамияти” фани ҳозирги ислохотлар даври янада ривожланишга доир изланишларни чуқурлаштириш жараёни кун тартибига қўйган вазифалардан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти куриш ва унинг истиқболлари тўғрисида билимлар беради. Шунингдек, бу фани ўқитиш жараёнида ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти куриш тажрибаси ҳам ўрганилади, улар билан мамлакатдаги ислохотлар натижасига ўзгаришлар киёсланади.

Фани ўқитишнинг мақсади – талабаларга фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида олиб борилаётган ислохотлар, уларни амалга ошириш стратегиясининг мазмун-моҳияти, фуқаролик жамиятида инсон, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабати, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашнинг асосий тамойиллари, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида чуқур билим бериш орқали уларда фаол фуқаролик позицияси ва масъулиятини шакллантиришдан иборат. Фанининг яна бир асосий мақсадларидан бири – бу ёшларда ватанпарварлик ҳис-ғуйғуларини юксалтириш, уларнинг мамлакатга садоқатини ошириш, янги жамият куришга бефарқ бўлмайдиган инсон сифатида тарбиялаш вазифаларни амалга оширишдир [8].

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйдаги талаблар қўйилади. Талаба:

- Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида амалга оширилаётган ўзгаришлар, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш “Харакатлар стратегияси”нинг асосий йўналишлари, фуқаролик жамиятининг шаклланиш асослари, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари, фуқаровийлик, фуқаролик жамияти институтлари, сайлов ҳуқуқи, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижтимоий шериклик, давлат хусусий шериклик, жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат бой ва қудратли бўлади” қаби консептуал ғояларнинг мазмун моҳиятини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси”да белгиланган асосий йўналишлар ва вазифаларни билиши ва улардан фойдалана олиши, Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилаётган ислохотларни янада такомиллаштириш бўйича ўзининг таклифларини бера олиши, мамлакатимизда эришаётган ютуқлар ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишини таҳлил қила олиш кўникмаларига эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам “Фуқаролик жамияти” фанида муаммоли ёндашув асосида талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади.

“Фуқаролик жамияти” фани мисолида муаммоли ёндашув асосида талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда қуйдаги йўналишлар инobatга олинади: ўқитиш жараёнига компетентли ёндашиш; муаммоли таълим технологияларига асосланувчи ўқув-методик таъминотни яратиш;

талабаларнинг мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш асосида уларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш.

Ривожланган хорижий давлатларда шахсда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш муаммоси ўтган асрнинг 20-йилларидан ўрганила бошланган. Бугунги кунда ривожланган хорижий давлатларда мазкур муаммонинг тадқиқи бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, таълим тизимининг барча босқичларида бериладиган билимлар таълим олувчиларни ахборотлар юзасидан танқидий фикрлашга ундашга асосланади. Петер А. Фасионет (Питер А. Фасиоун), Нореен С. Фасионе (Норин К. Фасиоун), Дэвид Клустер (Давид Слустер), Энтони Манзо (Антхоний Манзо), Скотт Плаус (Скотт Плаус), Ричард У. Поль (Ричард W. Паул), Дайана Халперн (Диана Халперн) кабиларнинг илмий тадқиқотларида турли ёш давларида шахснинг танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари, етакчи ғоялари, академик таъминоти, механизми, методикаси, шунингдек, шахснинг танқидий фикрлаш қобилиятига эғалиги даражасини аниқловчи ташхис-баҳолаш мезонларини асослашга оид қарашлар ёритилган.

Бироқ, Ўзбекистон шароитида муаммонинг деярли ўрганилмаганлиги, глобал ахборотлашув ҳамда ғоявий курашлар кучайган мавжуд шароитда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларни танқидий фикрлашга одатлантириш, ушбу қобилиятни изчил, тизимли ва босқичма-босқич ривожлантириб боришга эришишга бўлган ижтимоий-педагогик эҳтиёжнинг мавжудлиги тадқиқотни талаб этади.

Мақсад шундан иборатки, “Фуқаролик жамияти” фани мисолида муаммоли ёндашув асосида талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш йўллари ўрганиш дарс самарадорлигини оширибгина қолмасдан, таянч тушунчаларнинг моҳиятини ўрганиш орқали муаммоли ёндашув асосида талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари ёритилади, муаммоли ёндашув асосида талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари аниқланиб, асосий босқичлари белгиланади, талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати баҳоланади, хорижий мамлакатларнинг шахсда талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга оид тажрибалар ўрганилади, талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг ташкилий шакллари, самарали метод, восита ва танқидий фикрлаш технологиялари, механизми, мезонлари ҳамда даражалари ёритилади ва қутилган натижа қўлга киритилади.

“Фуқаролик жамияти” фанини муаммоли ўқитиш натижасида қуйдаги вазифалар амалга оширилади:

1. Муаммоли ёндашув асосида талабаларда танқидий фикрлаш қобилияти ривожланади; Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилаётган ислохотларни янада такомиллаштириш бўйича ўзининг таклифларини бера олади;

2. Ёшларда ватанпарварлик ҳис-ғуйғулари юксалади, уларда мамлакатга садоқат ошади, янги жамият куришга бефарқ бўлмайдиган инсон сифатида шаклланади;

3. ОТМнинг “Фуқаролик жамияти” фанидан дарс берувчи педагоглари тегишли фани ўқитишда самарали бўлган дидактик ишланмаларга эга бўлади;

4. Муаммоли ўқитиш талабалар томонидан “Фуқаролик жамияти” фанининг пухта ўзлаштирилиши учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратади.

## Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 9-6.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. -Т.: “Сано-стандарт” 2015. 150-6.
3. Жалилов А., Муҳаммадиев У., Жўраев Қ. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: 2015, 264-6.
4. “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фан дастури, Миллий Университет, 2018.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ОТМларида “Фуқаролик жамияти” фани мисолида муаммоли ёндашув асосида талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва унинг натижалари ҳақида сўз юритилади.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается развитие навыков критического мышления и их результаты у студентов, на основе проблемного подхода, на примере дисциплины «Гражданское общество» в ВУЗах Республики Узбекистан.

## SUMMARY

This article discusses the development of students' critical thinking skills and its consequences on the basis of a problem-based approach on the example of the subject "Civil Society" in the Higher Educational Establishments of the Republic of Uzbekistan.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРИДА АРТТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ИМКОНияТЛАРИ

Г.Т.Қуттибекова – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Жиззах давлат педагогика институти

**Таянч сўзлар:** саънат, гўзаллик меҳнат, эстетик дид, касб-хунар, ота-онага ҳурмат, эстетик тарбия, таълим, эстетик дунёқараши, эстетик онги, эстетик дид.

**Ключевые слова:** изобразительное искусство, работа красоты, эстетика, профессия, уважение к родителям, эстетическое воспитание, эстетический взгляд, эстетическое сознание, эстетический вид.

**Key words:** art, beauty, upbringing, aesthetic manner (style), profession and mastery, knowledge, aesthetic care, aesthetic education, aesthetic word outlook, aesthetic amazement.

Дунёда умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг мусиқа ва тасвирий санъат турларининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш, мусикий педагогика ва психология воситасида таълим олувчиларнинг эстетик тафаккурини ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларини бадиий матнлар билан ишлашга ўргатиш орқали уларнинг эстетик онги ва дунёқарашини таркиб топтириш, арт-педагогика воситасида болаларнинг эстетик сифатларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бадиий ижод намуналари асосида эстетик тарбия жараёнларига герменевтик ёндашувни татбиқ этишнинг педагогик тизимини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Амалиётда арт-педагогика психолог ва психотерапевтлар томонидан қўлланиб келинаётган арт-терапия ўрнида, яъни ўқувчиларнинг хулқи, уларнинг шахси ва характерини коррекциялаш, дарс жараёнида яхши муносабат муҳитини ўрнатиш, болалар ва катталар муносабатини тўғрилаш ва ҳоказоларда ишлатилиб келинмоқда [5:67-70].

Арт-педагогика фақат бошланғич синфларда тасвирий ва мусикий фаолият, дарс жараёнини тинчлантириш мақсадларида қўлланилмоқда.

Сўнгги йилларда таълим назарияси ва амалиётида янги терапевтик йўналишни ривожлантиришнинг долзарблиги кўрсатилган наشرлар пайдо бўла бошлади. Мактаб амалиётига хос бўлмаган «терапия» атамасидан фойдаланиш психологларнинг фикрига зид келмайди, аммо гуманистик педагогиканинг асосий ғоясига мос келади: шахснинг ижодий салоҳияти ва унинг ривожланиши. Шу сабабли, клиник бўлмаган йўналиш, ўқитувчи томонидан осон ўзлаштирилиши мумкин бўлган, болалар билан ишлашда қизиқарли ва самарали бўлган ҳамда соғлиқни сақлашга хизмат қиладиган педагогик технологияларни излаш, мослаштириш ва ривожлантириш зарурати мавжуд.

Бошланғич синф ўқувчиларининг психологик саломатлигини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, шахснинг психологик мослашуви манбаларини кўпайтириш ўқувчиларнинг маънавий ва шахсий саломатлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган турли хил ижтимоий-психологик

машғулотлар, тузатиш дастурлари, психотерапевтик усуллар орқали амалга оширилади.

Арт-педагогиканинг педагогика ва санъатнинг чоррахасида пайдо бўлиши ва ривожланиши ўқитувчига уни нафакат даволаш ва коррекциялаш ишларида қўллаш, балки болада бадиий маданиятни ривожлантириш (шу жумладан, ривожланишида нуқсон бўлмаган болаларда) ва унга бадиий фаолиятнинг турли шаклларида амалий кўникмаларни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда фаол ривожланаётган илмий билимлар соҳаси сифатида арт-педагогиканинг мақсади ва қўлами – уни санъатнинг турлари билан ўқувчиларни таништириш асосида педагогик, коррекцион ишларда фойдаланиш, баркамол ривожланган шахсни тарбиялашга ёрдам беради, умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларнинг трансляциясини таъминлайди ҳамда болаларнинг жамият ҳаётига бадиий фаолият воситасида мослашишига ёрдам беради [1:95].

Таълимда арт-терапияни жорий этиш ўқувчиларда турли психик фазилатлар ва шахсий хусусиятларни ривожлантиришга ёрдам беради, бу уларнинг муваффақиятли психологик-ижтимоий мослашуви учун катта аҳамиятга эга.

Ушбу услубни мактабларда қўллаш самарадорлиги тўғрисида кўплаб далиллар мавжуд, бу ерда у нафакат тикланиш ва коррекциялаш, балки ривожланиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Болалар ва ўсмирлар арт-терапияси бўйича бажарилган илмий ишлар, асосан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадида ижодий фикрлашнинг турли шаклларида фойдаланиш имкониятларини ўрганишга бағишланган.

Ушбу ишларда муаллифлар арт-педагогиканинг асосий хусусиятини ифода этган бўлиб, унда бадиий воситалар, бадиий-ижодий фаолият воситаларидан фойдаланиш бадиий таълим тарбия ўрнини босмайди, балки уларни тўлдиради ҳамда мактаб ўқувчиларининг ривожланиши, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнига янги ўзига хос йўналиш беради.

Арт-терапия бу психотерапиянинг ўзига хос шакли бўлиб, у драма терапияси, мусиқа терапияси ва ракс-мотор терапиясини ҳам ўз ичига олади.

Шубҳасиз, ижодий фаолликнинг ҳар хил турлари